# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ


# А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ


Тасдиқлади:
Ўқув ишлари проректори
доц Б. Мамажонов
_______________
2007 йил 5 сентябр

## “Ижтимоий фанлар” кафедраси

**“Ахлоқшунослик ва эстетика” фанидан**

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**(Кафедра йиғилишида (2007 йил, 5 сентябр, 2-сонли баённома) тасдиқланган)**

**Жиззах – 2007**

## АННОТАЦИЯ

“Ахлоқшунослик ва Эстетика” фанларидан тайёрланган маъруза матнлари 16 соатга мўлжалланган бўлиб, 3-босқич талабалари учун тайёрланган.

Ахлоқшунослик фани бўйича маъруза матнлари тайёрлашда фаннинг предмети, унинг келиб чиқиш тарихи, тараққиёт босқичлари, оила, фуқоролик жамияти каби масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Эстетика фани бўйича ёзилган маъруза матнларида, эстетика предмети, вазифаси, гўзаллик, улуғворлик, санъат ва унинг келиб чиқиши, санъатнинг турлари тўғрисида кенг қамровли фикрлар билдирилган ва баён этилган.

Маърува матнларига А. Навоий номли Самарқанд Давлат Университети “Фалсафа тарихи” кафедраси мудири ф.ф.д. проф. Ж. Яхшиликов тақриз берган ва маъруза матнларидан дарс жараёнида фойдаланишни тавсия этган.

**1 мавзу: Ахлокшуносликнинг предмети, тадкикот доираси ва вазифалари. Ахлокий тафаккур тараккиётининг асосий боскичлари.**

Режа:

1 Ахлоқшунослик фанининг тадкикот доираси ва узига хос фалсафий фан сифатидаги урни.
2 Ахлокшунослик фанининг функциялари.
3 Ахлокий карашлар ва таълимотларнинг тараккиёт боскичлари.

Ахлоқшунослик (этика) нинг объекти одам, инсон, шахсдир. Бироқ ахлокшунослик кишилар ҳаёти ва фаолиятларининг барча жиҳатларини эмас, балки муаян бир соҳаси, яъни одобини, хулқини, феъл-атфорини, юриш-туришини, ўзаро муносабатини, табиат, жамият ва унинг ҳодисаларига бўлган муносабатларини ўрганади.
Худди шу маънода ахлоқшунослик (этика)нинг бахс мавзуи муаммо сифатида оддий кишилардан тортиб буюк мутафаккирларимиз, зиёлиларимиз, давлат арбобларимизгача қизиқтириб келган. Чунончи Арасту ахлоқшунослик (этика)ни ахлоқни ўрганадиган амалий фан, жамият ҳақидаги фанлардан бири деб ҳисоблаган. Стоиклар ахлокшунослик (этика)ни алоҳидан фан сифатида ажратиб, уни кўпинча инсон табиати хакидаги фан деб тушунган эдилар.
Нидерландия файласуфи Б.Спиноза (1632-1677) ўзининг «Этика» асарида ушбу фанни субстанция (моҳият) ва унинг модуслари (хусусиятлари) тўғрисидаги таълимот дегани. Француз маърифатпарвар-файласуфи П.А.Гольбах (1723-1793): «Ахлоқ одамлараро мавжуд булган муносабатлар ваш у муносабатлардан келиб чиқадиган масъулиятлар ҳақидаги фан»,- деган эди.
Немис файласуфи И.Кант (1774-1884) ахлоқшунослик (этика)ни зарур нарсалар тўғрисидаги фан деб билган. Кўзга кўринган немис файласуфи Г.В.Ф.Гегель (1770-1831) эса Этика (ахлокшунослик)ни ўз-ўзидан ривожланувчи мутлоқ ғоя (абсолют идея) ҳақидаги фан деган.
Ахлокшуносликнинг бахс мавзуи Шарқ, хусусан Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон мутафаккирларининг диққат эътиборида бўлиб келган. Масалан, буюк мутафаккир, қомусий олим, тиббиёт илмининг отаси ва устози Абу Али ибн Сино (980-1037) шу хақда тўхталиб: «Ахлоқ ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора килиш илмидир»,-деб баҳолаган эди. Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби А.Навоий (1441-1501) ахлоқ мавзуига янада кучлироқ урғу бериб, ўзининг «Махбуб-ул-қулуб» («Кўнгиллар севгани») асарида куйидагича ёзган эди: «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўк, агар кимда бу икки сифат бўлмаса, унда иймон ҳам йўқ». XIII-XIV асрда яшаб ижод этган таникли ахлоқшунос олим Мажид Хавофий ахлоқ ҳақида фан, яъни ахлоқшунослик, оила ҳакида фан, шаҳар курилиши ва нормалар ҳақидаги фандир». деб таърифлаган. (мутафаккирлар ахлок ва адолат ҳакида. Тошкент, «Адолат», 1995, 17 бет)
Буюк шоир, драматург, маърианпарвар ва давлат арбоби А.Авлоний (1878-1943) ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» (1913) асари ахлок мавзуи ҳақида:
«Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулкларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисол ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур» - деган эди.

Худди шунингдек ахлорқшунослик (этика) бахс мавзуи ҳақида луғатлар дарсликлар, ўкув кўлланмаларида ҳам турли хил таърифлар бор. «Қисқача сиёсий луғат» («Узбкистон» нашриёти, Тошкент 1975, 296 бет) шундай дейилган: «Этика-алохида социал ходиса ва ижтимоий онг шаклларидан бири бўлган ахлокнинг табиати ва моҳиятларини ўрганувчи фалсафий фан». «Қискача философик луғатда» («Узбекистон» нашриёти, Тошкент 1873, 363 бет) бу тўғрида қуйидагича айтилган: этика - ахлоқ назарияси, бирон ахлоқ системаси (тизимини) ҳамда яхшилик ва ёмонликни, адолат бурч, виждон, бахт, хаётнинг маъносини Бирон тарзда илмий асослаш» демакдир.

«Философия луғати» {Узбекистон нашриёти Тошкент - 1976, 595 бет) да: «Этика... энг қадимги назарий фанлар бири, у ахлоқни ўрганади» дейилган.

«Ўзбек шўролар энтиклопедияси» (Тошкент 1979, жилд 13, 306 бет) да қуйидагича таъриф берилган:

«Этика ижтимоий онг формаси бўлган инсон ҳаётининг мухим томонларидан ҳисобланган ахлоқ, одоб масалаларини ўрганувчи фалсафий фан» деб айтилган. Е.Г.Федеренконинг «... этика асослари» (ўқитувчи нашриёти, Тошкент 1976, 5 бет) ўқув қулланмасида бу тўғрида қуйидагича ёзилган:

«Этика бу ахлоқ «хулк» назарияси бўлиб, кишиларнинг ахлоқий хаётини ўрганадиган, ахлоқий ходисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларини очиб берадиган энг қадимги инсоншунослик фанларидан биридир».

Фалсафа фанлари доктори, профессор А.ортиқов «Этика асослари» курсидан лекциялар текстларида (Тошкент-1999, 3-бет). Ушбу муаммо шундай илмий ифодаланган:

«Этика деб ахлоқ, хулқ-одоб, ахлоқий онг хақидаги буларнинг пайдо бўлиши, тараккиёт босқичлари, инсон хаёти фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари, кишларнинг ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг йўл, усул, воситалари хақидаги таълимотлар системасига айтилади. Этиканинг тарифи анна шундан иборат».

Этика (Ахлоқшунослик)нинг бахс мавзуи ҳақида юқорида келтирилган нуқтаи назарларнинг ижобии томонлари ва камчиликларини умумлаштириб, бизнингча қуйидагича таърифлаш мумкин:

Ахлоқшунослик ёки этика деб инсон ва инсоният хаёт фаолиятининг муҳим жиҳатлари бўлган ахлоқ, хулқ-одоб,феъл-атвор, уларнинг мохияти, пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари ва ривожланиш конуниятлари, мақсадлари, вазифалари ва ахамияти, ҳамда улар тўғрисидаги карашлар, назариялар, таълимотларни ўрганувчи фалсафий фанга айтилади. Қисқа қилиб айтганда, ахлокшунослик ёки этика ахлокнинг моҳияти, хусусияти ва ривожланиши, максади, вазифалари ва аҳамияти хақидаги фалсафий фандир. Ахлокшунослик (этика) ўз бахс мавзуини яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, шаъан, кадр-қиммат, бахт-саодат инсон хаётининг моҳияти, мазмуни ва маъноси каби тушунчалар (категориялар), инсонпарварлик, ватанпарварлик, мехнатсеварлик, жамоавийлик сингари тамойиллар (принциплар), халоллик, поклик, ростгўйлик, дўстлик, вафодорликка ўхшаш

ахлоқий қоидалар (нормалар) воситаси билан очиб беради ва асослайди. Булар тўгрисида махсус мавзуда фикр юритилади.

Ахлокшунослик (этика) ўз баҳс мавзуини ўрганишда фалсафа, эстетика, педагогика, психология, маданиятшунослик, тарих, сиёсатшунослик, социология, тилшунослик, архиология, экология каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганади. Борлиқ, табиат, жамият, инсон тафаккур каби мураккаб ҳодисаларнинг моҳияти ва энг умумий ривожланиш конуниятлари ҳакидаги фан бўлган фалсафа ахлокшуносликнинг назарий, илмий-методологик (услубий) асосини ташкил қилади. Бошқа гуманитар фанлар ҳам ахлоқшуносликка ўз баҳс мавзуини чуқуррoқ ва ҳар тарафлама ўрганиш ва умумлаштиришларда далиллар, фактлар ҳамда материаллар беради. Бу жараёнда ахлоқшунослик баҳс мавзуига кўра нисбий мустакиллигини сақлаб қолиб, билимлар тизимида ўзига хос ва ижобий ўринни эгаллаб қолади.

Ахлоқшунослик ўз баҳс мавзуини икки-умумий ва хусусий йўналишларда ўрганади. Шунга мувофиқ ахлоқшуносликда умумий, тарихий, норматив-аксиологик (қадриятий), касб-хунар, ахлобия ахлоқшунослиги деган назарий ва амалий бўлимлар ҳам шаклланган. Умумий ахлоқшунослик ахлоқнинг табиати, моҳияти, хусусиятлари, унинг таркибий заррачалари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини илмий асослайди, ахлоқий фаолият ва ахлокий муносабатлар ривожланиши хусусиятларини, ахлоқ тараққиётидаги ижтимоийлик, тарихийлик, замонавийлик, умуминсоний ва миллий жиҳатларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида унинг ҳозирги ҳолати ва тараккиёти йўналишлари муаммоларини ўрганади. Тарихий ахлокшунослик ахлокнинг тарихий шаклларини, унинг тарихий тараққиёт қонуниятларини ва хусусиятларини, ахлоқий таълимотларнинг тарихдаги ўрнини тадқиқ этади. Норматив-аксиологик ахлоқшунослик ахлоқ қоидаларини ахлоқий зарурийлик талабларини ахлокий онгнинг асосий тушунчалари сифатида қараб, уларнинг ижобий ахамияти, қиммати жиҳатидан ўрганиш ва асослаш билан қизиқади.

Касбий ахлокшунослик у ёки бу касб-хунар, ихтисослиг ёки раҳбарлиги фаолияти доирасида кишиларнинг ахлокий хусусиятлари билан шуғулланади. Ахлоқий тарбиянинг ахлоқий назарияси тарбия жараёнида ахлоқий омиллардан самарали фойдаланиш йўллари, шакллари ва воситаларини белгилаш масалаларини умумлаштиради. Ахлоқшуносликнинг мухим бир вазифасиинсонлар ва жамиятнинг келгусидаги эзгу ахлокий орзулари, мақсадлари, эзгу-ниятларини шарклаб беришдир. Чунки инсонлар юксак ахлозуларсиз яшай олмайдилар. Буларнинг ҳамаси ахлоқшуносликнинг инсонлар ва жамият ҳаётида бени катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Атоқли педагог А.авлоний: «Ахлоқ илмини ўкиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким экани, жанови ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши ишларнинг кадрини, кимматини билмас. Ўз айбини билур, иқрор килуб, тузатмакга саъй ва қўшиш қилган киши чин

баходир ва пахлавон кишидир». Демак, ахлок, одоб ва этика қоидаларини били шва уларга тўла амал қилиш кишиларнинг ўзаро ҳурмат-эхтиром билан тинч-тотув яшашини таъминлайди. Аксинча ҳолда, яъни ахлоққа, одобга, этикага кам ва етарли эътибор берилмаган одамда, оилада беандишаликлар, бебурдликлар ваш у кабилар мавжуд жойда салбий, ножўя ахлоқий фазилатлар юзага келади ва авж олади, одамлар орасидан ҳурмат, меҳр-оқибат кўтарилади, ҳаёт аста-секин издан чиқа бориб, ижтимоий ҳаётнинг жиддий тўсқинига айланади.

Ахлоқшуносликнинг асосий ва муҳим вазифаси кишиларнинг хулқи, одоби, юриш-туриши, муомаласининг моҳиятини, хусусиятларини ва тараққиёт қонунларини очиб беришдан иборат. Ахлоқшунослик худи шунингдек ахлоқнинг тушунчалари (яхшилик ва ёмонлик, адолат, бахт, виждон, бурч ва ҳоказо) тамойилларини (инсонпарварлик, мехнатсеварлнк, ватанпарварлик,

байналмилаллик, хамкорлик ва ҳоказо) ахлоқ мезонлари (нормалари) жумладан хушмуомалалик, ширинсуханлик, халоллик, ростггуйлик, камтарлик чидамлилик, ҳимматлилик, самимийлик, дўстлик, шарму-ҳаё ва ҳоказоларни илмий-амалий асослаб беради. Ахлоқшуносликнинг Яна бир мухим вазифаси инсонларнинг ахлоқий тарбиясини амалга ошириш, ахлокий камолотини шаклланишга хизмат қилишдир. Ахлоқшуносликнинг Яна бир вазифаси, инсонлар ва жамият ҳаётидаги ахлоқсизлик иллатларининг барча кўринишларини бартараф килиш ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда воситаларини изохлаб беришдан иборат. «Ёмон ишларнинг тескарисини қилиб, яхши бўлдим» деган экан Луқмони ¥аким. Яна «одобни беодобдан ўрган» дейдилар. Албатта, беодобдан ўрганиладиган нарсанинг ўзи йўқ, лекин бировларнинг хатоси, гунохини салбий хислатларини такрорламаган киши энг олий одамдир. Бундай одамнинг ахлокийлигининг ўзи бир кутлуғ иш бўлса, бировларнинг ахлоқсизлигини такрорламаганлиги учун икки кара улуғдир. Чунки беодобнинг килиғи, хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори одоб доирасидан ташқарида бўлгани учун унинг қилаётган одобсизликларини кўриб, шундай қилиқларни ҳатти-ҳаракатларни такрорламаслик, бу одобдандир. Демак, беодобдан ўрганилган одоб унинг беодобликларини пайқай билиш ва уларни ўз ҳаётида қилмасликдир. Демак ахлоқшунослик Фани инсон турмуши ва фаолияти, жамият ҳаётида ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга бўлган фанлардан биридир.

Ахлоқшуносликнинг (этика) кадим замонларда пайдо бўлиб, шаклланиб ва ривожланиб, бизнинг давримизгача ўз аҳамиятини сақпаб келаётган энг қизиқарли ва энг мухим инсоншунослик фанларидан биридир. Ахлоқшунослик фанининг номи аҳлок сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу тушунча тўғрисида адабиётлардан қозирча ягона қарашлар йўқ. Айрим адабиётларда ахлок кишиларнинг хар бир жамиятга хос хулқ нормалари мажмуи дейилса, бошқаларда эса ахлок ижтимоий онг шаклларидан бири социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-коида истисносиз ҳамма соҳаларда кишиларнинг ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради дейилади. Бунинг боиси энг аввало ахлоқ сўзининг кўп маъноли ва кўп

қиррали эканлиги билан изохланади. Ахлоқ арабча хулқ сўзининг кўплигидан ва лотинча «тогез» сўзидан олиниб, одоб, атвор, феъл деган маъноларни англатади. Худи шунингдек рус тилида ишлатиладиган «морель» сўзи «мочея» сўзидан олинган бўлиб, уҳам ахлок маъносини билдиради, «мораль» сўзи рус тилида ишлатиладиган «нравственность» деган сўзининг синонимии деган фикрлар хам мавжуд. Ахлоқ кишиларнинг, хар бир кишининг оилада, жамоада, жамоатчилик жойларида, умуман жамиятда юриш-туриши, яшаш қоидалари, феъл-атвори, ҳатти-ҳаракатларининг жамини ифодалайди. Этика юнонча «егЬоз» сўзидан олинган бўлиб, одат, одоб, расм-русум, феъл (характер) маъноларини билдиради. Ушбу тушунча биринчи марта машҳур Юнон файласуфи ва мутафаккири Арасту (Аристотель,э.о.384-322 йй) томонидан ахлоқнинг синонимии сифатида ишлатилагн.

Бу терминни кейинчалик қатъий маъноли тушунча сифатида эрамиздан олдинги IV асрда пайдо бўлган ва асосчиси Китионлик Зенон (э.0.336-264 йй) стоиклар (грекча з^оз-тўпланадиган жой, портик) илми муомалага киритганлар.

Этика тушунчаси ҳозирги адабиётларда кишилар муомаласида асосан қуйидаги уч маънода қўлланилади:

Биринчидан, кундалик ҳаёт муомаласида этика оддий тилда ахлоқ, одоб, хулк-атвор маъноларини англатади;

Иккинчидан, маълум бир ижтимоий гуруҳлар, касб-хунар ёки ихтисосликлар, чунончи дворянлар этикаси, савдогарлар этикаси, тадбиркорлар этикаси, ўкитувчилар этикаси, шифокорлар этикаси, рахбарлар этикаси ваш у кабиларни билдиради.

Учинчидан, асосан ва кўпчилик ҳолда кишиларнинг ахлок-одобини, хулқини, феъл-атворини ўрганувчи фанни этика, яъни ахлоқшунослик деб юритилади.

Худди шунингдек кундаликҳаётда ва адабиётларда ахлок ва этика тушунчалар билан бир қаторда одоб тушунчаси ҳам ишлатилади.

«Одоб» (арбча «адаб» сўзининг кўплиги) хулқ-атвори, юриш-туриш маданиятнинг ташқи ва ички жиҳатларни ифодалайдиган тушунча. У кишиларнинг ҳатти-ҳаракатида, ўзаро муносабатида (оила. меҳнат жамоаси ва турли маросимларда) намоён бўлади.

Одоб кишининг жамоат орасида ўзини кандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала килиши, ўз турмуши ва бўш вақтини кандай ташкил қилиши, инсон ташқиёфаси кандай бўлиши лозимлигига оид қоидалар (масалан, шарму-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик сингарилар)ни ўз ичига олади. Одоб таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади. Шарқнинг улкан одоб-аҳлоқ назариётчиларидан бўлган Хусайн воиз Кошифий «Ахлоқий Муҳсиний» асарида одобни қуйидагича таърифлаган эди:

«Одоб - бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножўя хулкдан сакдай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳам хурмат кила билиш, шу билан бирга ўзини ва ўзгаларнинг обрўсини туширмасликдир». Воиз Кошифий одоб тушунчасини кенг маънода тушунади, ёмон сўзларни айтмаслик, хулқни тарбиялай олиш, ўзини бошқариш ва ўзгаларни хурмат қилишни ахлокийлик деб атаган эди.

Одоб кишиларнинг хаёт ва турмушларига нисбатан белгилаб берилган муайян ахлоқий чегара ёки меъёр десак бўлади. Анна шу чегарадан чиқмай муомала

муносабатида бўлган, шу меъёрга риоя килган одамни одобли, яхши хурбияли, хақиқий, чин инсон дейилади. Аксинча холда одобсиз, тарбиясиз, ёмон одам деб айтилади. Одоб ахлоқка нисбатан тор тушунча бўлиб, у ўз навбатида барча ахлоқий фазилатларнинг юзага чикиши намоён бўлишидир. Одобни ўрганувчи ва ўргатувчи фанни «Одобнома», «Дилнома», «Саодатнома» деб атайдилар.
Демак, ахлоқ, этика, одоб ўзаро боғлиқ ва маълум даражада фарк қилувчи тушунчалар бўлиб, барчаси инсоннинг ҳатти-х,аракатини, юриш-туришини, бошка одамлар билан муносабатини оилада, жамоада, жамоатчилик жойларда ўзини тутиши кабиларни ифодалайди. Одатда буларни умумий фалсафий маъноад ахлоқ, кундалик ҳаётда, турмушда одоб, хулқ, феъл-атвор ва уларни ўрганувчи фанни (илмни) этика ёки ахлоқшунослик деб горитилади. Шундай қилиб, ахлок кишиларнинг яхшилик ва ёмонликка нисбатан муносабатини намоён этадиган ва тарихан таркиб топган хулк-атвор, юриш-туриш ва хатти-харакатини ифодалайдиган, уларнинг бир-бирига ва жамиятта бўлган муносабатларини акс эттирадиган ҳамда ўзаро ихтиёрий тарзда амалга ошадиган норма ва қоидалар йиғиндисидир.
Буюк мутафаккирлар, олимлар ва давлат арбоблари ҳам ахлокқа худи шундай таъриф-тавсифлар берганлар. Таниқли рус файласуфи В.Г.белинский (1811-1848) ахлоқ нима? У нимадан иборат бўлмоғи керак? Деган саволлар қўйиб, куйидаги жавобни келтириб, ахлоқка шундай таъриф берган:
«Кишиларнинг кадр-қиммати ва унинг юксак мавқеига қатъий, чуқур эътикод, унга кизғин сўнмас, ишончдир. Шу эътиқод, шу ишонч жамики башарият эзгулигининг, барча амалий ишларнинг кайнар булоғидир» Чех халқпарвар педагоги ва жамоат арбоби Я.А. Коменский (1592-1675) фикрича: «Ахлоқийлик деганда биз фақат ташки муомалани кўзда тутмаЙмиз, балки ниятнинг бутун ички моҳиятини тушунамиз». Марказий Осиёнинг буюк мутафаккири Абу Наср Фаробий (873-950) айтганидек: «Дархтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам аҳлокий тарбия билан якунланади». Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний (1878-1934) ёзганидек, «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё момот, ё нажот, ё халокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».
Ахлоқнинг мохиятини тушунишида президентимиз И.Каримовнинг айтган қуйидаги фикрОмулоҳазалар айниҳимдир.
Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Аслини олганда, ахлок маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоки шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдан иборат эмас. Ахлок - бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, иймон, халоллик дегани»; «Халоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин»; «... Виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди»;
«Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир». «Хар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш килсин»; «Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади», дейдилар вахоказо. Буюк мутафаккирларимиз ва олимларимизнинг ҳамда Президентимизнинг юкоридаги фикрлари ахлоқни куиидагича таърифлаш имкониятини беради: Ахлоқ деб кишиларнинг яхшилик ва ёмонликка муносабатини намоён этадиган ва тарихан таркиб топган хулк-атвор,уларнинг юриш-туришини,ўзларини тутишини, феъл-атворини, хулқ-

одобини,ўзаро бир-бирига,меҳнатга ижтимоий фаолиятга, оилага, жамоага, бошка ижтимоий бирлашмаларга, жамоатчиликка, Ватанга, миллатга, жамиятга бўлган муносабатларини ифодаловчи ҳамда ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш, бошқаришга хизмат қилувчи ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари, талаблари, баҳолашлари, қоидалари, тамойилларининг жамига айтилади.

Қиска қилиб айтганда ахлоқ деб кишиларнинг юриш-турушлари ўзаро бир-бирига, меҳнатга, оилага, Ватанга бўлган тарихий муайян муносабатлари, қоидалари ва тамойилларининг жамига айтилади. Ахлоқнинг илк, дастлабка, куйи, турмушдаги босқичи одоб ёки хулқ одобдир.

Ахлоқ хулқ-одоб, феъл-атвор ахлокшунослик ёки этика фанининг бахс мавзуи (прдмети)ни ташкил этади.

Ахлокшунослик ахлокий, тарихий ва замонавий ходиса ҳамда ижтимоий онгнинг ўзига хос шаклларидан бири деб асослайди. Ахлоқнинг ижтимоийлиги шундаки, кишиларнинг ахлоқ-одоби, феъл-атвори, муомаласи, юксак маънавий фазилатлари ижтимоий хаётдан ташкарида, инсонлар ўртасида муносабатлардан четда шаклланиши ва ривожланиши мумкин эмас.Бундан бир неча ўн йил муқаддам ўрмон четида адашиб қолган уч нафар болани айиклар ўрмонга олиб кетади.Болалар айиқлар билан яшашади.Вақт ўтиши билан улар икки оёклаб юрсаларда, югуришни, сакрашни, озиқ-овқат топиб ейишни, табиат ҳодисаларидан сакланишни, айиқларга ўхшаш ўкиришни табиий ҳолда ўрганадилар. Бироқ улар кейинчалик тўрт оёқлаб юрсаларда, кишшгак жамиятидан ташқарида ҳайвонлар орасида яшаганликлари учун сўзлаш қобилиятини йўқотишади. Бундан кўринадики, агар инсон кишилик жамиятида яшамас экан, у ҳакикий маънодаги шахс, худи шунингдек ахлоқ одобли бўла олмайди.Демак,ахлоқ ижтимоий ҳодисадир.Ахлоқшунослик ахоқнинг бу жиҳатини,умуман ахлокни Яна бир канча тушунчалар-ахлокий онг,карашлар,ахлокий фаолият, ахлоқий баҳолаш,ахлоқий ҳиссиёт,ахлоқий муносабатлар ахлоқий тарбия воситасида янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганади.Ахлокий онг кишиларнинг жамиятдаги ахлокий ҳатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, яшаш қоидалари, тамойиллари, шунингдек уларнинг ўзаро бир-бирларига ҳамда ижтимоий гуруҳларга, жамиятга бўлган муносабатларини ифодаловчи қарашлари тасаввурлари,назарияларининг жамидир.

Ахлоқий қарашлар ахлокий онг, ахлок, одобнинг мазмуни, моҳияти, жамиятдаги кишилар хаёти, фаолияти, тараккиётидаги ўрни, ақамияти тўгрисидаги қарашлар ғояларнинг тизимидир.

Ахлоқий онг ва ахлоқий қарашлар ахлоқий фаолият билан узвий боғланган.Ахлоқий фаолият деб ўзига хос ахлоқий мотив, сабаб, интилиш билан, яъни яхшилик килиш,бурчга содик ҳолда ҳаракат килиш, муайян ахлоқий идеалларни амалга ошириш мақсадида қилинган харакатларга айтилади. Кишиларнинг ахлоқий фаолияти жараёнида улар ўртасида шаклланадиган, мавжуд бўладиган алоқалар,боғланишлар,муносабатларнинг тизими ахлоқий муносабатлар дейилади.(Батафсил қаранг: Фалсафадан ваъз матнлари. Тошкент-1995, 236-237-бетлар) Ахлокий фаолиятда ахлоқий хиссиётлар,ахлокий бахолашлар,ахлокий идеаллар,ахлоқий маданият кабиларнинг аҳамияти катта.Ахлокий ҳиссиёт-инсоннинг,шахснинг жамият ва ўз атрофидаги кишиларга муносабатини ифодалайдиган кечинмалар турини

англатади.Масалан,инсоннинг ва шахснинг ўз кадр-қиммати ҳисси, ижтимоий бурч хисси, ватанпарварлик, ўртоқлик, жамоавийлик ҳисси ва хаказо кабилар.Ахлоқий баҳолаш-социал воқеликнинг турли ҳодисаларини ва кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини улар қандай ахлоқий аҳамиятга эга бўлишига қараб,маъқуллаш ёки қоралашдир. Умумий тарзда ахлоқий баҳолаш яхшилик ва ёмонлик тушунчаларида амалга оширилади. Ахлоқий идеал (мақсад,орзу,истак) юксак ахлоқни шахс ривожининг мақсади бўлган мукаммал ахлокий муносабатлар тўғрисидаги назарий асосланган режалари, тасаввурлари, карашлари жамини билдиради.Ахлоқий идеал-киши ёки гуруҳнинг интилиши ва ҳатти-ҳаракатини белгилаб берувчи намуна, олий мақсад, Бирон-бир ниманинг камолидир. Кишиларнинг кундалик турмушидаги ҳатти-ҳаракатини белгилаб берувчи ахлоқий коидалардан фаркли ўлароқ ахлоқий идеал-кишиларнинг маънавий-ахлокий тарбияси ва ўзини-ўзи тарбиялаш окибат мақсадини белгилаб беради,унинг интилиши лозим бўлган олий намунани яратади. Масалан,маърифатпарвар ахлокий идеали,умуминсоний ахлоқий идеал,демократик жамият ахлоқий идеал ива хакозо. Кишиларда ахлокий онг>ахлокий мақсадлар,ахлоқий муносабатлар ахлоқий тарбия воситаси билан амалга оширилади. Ахлоқий тарбия ахлоқшуносликнинг энг мухим тушунчаларидан бири бўлиб,унга куйидаги таъриф-тавсиф бериш мумкин: Ахлоқий тарбия деб инсон фарзандига туғилгандан то умрининг охиригача инсонга хос барча ижобий ахлокий фазилатларни сингдириб, уни баркамол инсон қилишга айтилади. АхлокиЙ тарбия одатда кўпинча кишиларни илм, билим беришдан бошланиши ваш у жараёнда ёнма-ён (параллел) ва биргаликда амалга оширилиши сабабли таълим-тарбия деган атама кўпроқ ишлатилади. Ахлоқнинг ижтимоийлигини тушунишда ахлокий маданиятнинг аҳамияти катта. Ахлоқий маданият-ахлоқ, ахлоқий онг ёрдамида шаклланади. Уларни бир-биридан ажратиш ноўриндир. Ахлоқий онг - қарашлар, ғоялар ва ҳиссиётлар йигиндиси ва уларнинг инсон онгида акс этиши бўлса, ахлоқий маданият анна шу акс этилган нарсалар инсон характерига, табиатига сингиб, амалий фаолиятда нимоён бўлишидир. АхлоқиЙ маданиятда ахлоқийликнинг назарий жиҳатлари ўз аксини топади ваш у билан бир қаторда, у англанган ахлокий фаолият билан узвий богланиб кетади. Ахлоқий маданият тарихий таркиб топган ахлоқий норма ва коидаларни давр нуктаи назаридан қайта кўриб чикилиб, аниқ шарт-шароитлар асосида ривожлантиришда ифодалайди. Шу жиҳатдан ахлоқий маданият ахлокий кадриятдан фарк қилади. Айни вақтда ахлоқ ахлоқий қадриятга суянади ва ахлоқий маданиятга манба бўлиб хизмат килади. Ахлоқий маданият мустақил фалсафий категория бўлиб, ахлоқ, ахлокий онг каби тушунчалар билан узвий боғлиқ ва бир бутунликни ташкил қилади, ахлокий назарияни амалиёт билан боглайди, кишилардаги ахлоқий карашлар, гоялар, ички-кечинма ва ҳиссиётларнинг кай даражада англанганлангини билдиради ҳамда бу инсоннинг ахлоқий етуклигини кўрсатиб, маънавий эхтиёжига айланганлигини кўрсатади. Бевосита анна шундан ахлоқий маданиятнинг моҳияти ва ривожланиш хусусияти келиб чиқади. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси ахлокнинг ижтимоийлигининг моҳиятини ва

хусусиятини очиб беришга хизмат қилади. Ахлоқшунослик ахлоқни тарихий ходиса деб ўрганади ва ўргатади. Чунки ахлоқ бирданига пайдо бўлмаган у қадим (ибтидоий) даврлардаёқ вужудга келиб, бир қанча тарихий боскичларни ўтиб, ўзгариб, алмашиниб, ривожланиб, тараққий килиб, хозирги даврда ҳам янада такомиллашиб бормокда. Ахлок тарихий ўзгаришининг ижтимоий ва маънавий манбалари бўлиб кишиларнинг шахсий ва умумий манфаатлари, орзу-истаклари, меҳнат, социал мухит, жамоатчилик фикри, илм-маърифат, дин ҳисобланади. Инсонлар ва жамият ҳаётида ахлоқнинг, унинг тамойиллари, тушунчалари ва қоидаларининг тарихан ўзгариб, алмашиниб, ривожланиб, тараққий этиб бориш жараёнини ахлоқшунослик (этика) да ахлоқий прогресс (тараққиёт) дейилади. Бу жараёнда ахлоқий тизимлар ва таълимотлар бирданига ўзгариб, йўқолиб кетмайди. Инсоният Хамиша ўтган авлодлар ахлоқидаги ижобий жихатларни сақлаб, мустаҳкамлаб ривожлантиради, яъни доимо меросдан фойдаланилади. Ахлоқий мерос деб кадим замонлардан бери аждодларимиз ота-боболаримиздан бизгача етиб келган ахлокий бойликлар ахлоқий ўгитлар, пант-насихатлар, ғоялар, таълимотлар, оилалар, тамойиллар жамини тушунамиз. Ахлоқ айни вақтда замонавий ходисадир, чунки ахлоқ бошқа ижтимоий - маънавий ходисалар сингари жамиятдаги сиёсий ижтимоий, иқтисодий, фан-техника, санъат маданият касби сохалардаги ютуқларни ўзида акс эттиради. Ахлоқшунослик ахлоқ ижтимоий ходиса сифатида умуминсоний ва миллий жиҳатларга эга деб ҳисоблайди. Саломлашиш, хушмуомалалик, мурувват, рахм-шавкат, яхшилик, адолат, тинчлик, бурч, виждон, ор-номус, бахт-саодат, Ватанни ва миллатни севиш, тинчлик учун кураш, табиатни асраш, ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, ядровий қуролларни пойгасини йўкотиш, халқаро хавфсизликни таъминлаш турли касаликларнинг олдини олиш, қашшоклик ва саводсизликка бархам бериш кабилар умуминсоний ахлоқий қадриятларга киради. Ахлоқнинг миллий жихатлари муайян миллат (халқ, элат) нинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналари Билан боғлиқ бўлган ахлокий қоидалар ва кадриятлар Билан боғлиқ холда намоён бўлади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Катталарни ҳурматқилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллик, миллатидан қатий назар одамларга хайрихоҳлик Билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига хамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига мехр-мухаббат мехнатсеварлик, билимга, устозларга,
и
маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат эҳтиром Узбекистон ахолисига хос фазилатлардир». (Каримов И.А. Узбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли. Тошкент - 1992, Узбекистон, 11 бет) Таъкитланганларнинг ҳаммаси ахлоқ ҳам ўзига хос ижтимоий онг шаклларидан бири эканлигини ва у алоҳида, баъзи кишиларга эмас, балки жамиятдаги барча кишиларга хос бўлиб уларнинг ижтимоий хаётдаги хатти _аракатлари, юриш-туришлари, ўзаро бир-бирига ҳамда ижтимоий бирлашмаларга бўлган муносабатларни

ифодалайди ҳамда тартибга солиб, инсонлар ҳаётида тарбияловчи омил сифатида мухим ахамиятга эга. Ахлоқшунослик фан сифатида ўзининг мақсадлари вазифаларига эга. Ахлоқшуносликнинг асосий максади юксак ахлоқий фазилатли, ахлоқий камолотни ўзида мужассамлаштирган етук инсонларни вояга етказиш ва тарбиялашга хизмат қилишдан иборат. Бунга ахлокшунослик ўз вазифалари билан муносиб хисса қўшади. Ахлоқшуносликнинг мухим вазифаларидан билиш, билишлик бўлиб, унинг мақсади ахлоқнинг моҳияти, хусусиятлари жамият хаётидаги ўрни ва ахамиятини чуқур ва хар тарафлама асослаб беради. Бу фан асосларини билмаган киши баркамол бўла олмайди. Чунки ахлоқшунослик (этика) назарияси ва амалиётидагина ахлокнинг том мохияти, хулқ - одобнинг коида, таълимот, гоя, дастур, ўгит, панд-насихат, даъват, чеклаш, таъқиқатлашлари баён этилган бўлади. Уларни пухта ўзлаштириб, хулк-одоб дастурига, хатти-харакат низомига, қисқа ахлоқ кодексига айлантириб олган шахсгина чин маънодаги юксак ахлоқпи, бой маънавий фазилатли, зиёли мутахасис бўлиши мумкин ва лозим. шунингг учун ҳам А.Авлоний: «Ахлоқ илмини ўкув, билуб амал қилган кишилар ўзининг Ким эканини, жанобы хақ на учун халқ қилаганин, ер тозида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, кимматини билмас», - деб ёзган эди. Ахлокнинг мухим хусусияти унинг ижтимоий онг шакли эканлигидир, чунки ахлоқ-одоб қоидалари ҳаммаси бир киши томонидан битилмайди. Инсоният тарихидаги бутун тажрибалри, урф-одатларга суянган холда ахлоқ-одоб яратилади. Бинобарин, улар барча, канкрет инсонлар ва инсониятнинг хаётий тажрибаларининг умумлашган бой махсулидир. Шу маъноад ахлоқ жамиятдаги барча кишиларга хос ижтимоий онг шаклидир. Буларнинг ҳаммаси ахлоқнинг мураккаб ижтимоий жараён эканлигини ифодалайди.
»_*
Мустақил Узбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий вазифаларини ҳал этиш, келажакда Узбекистонни буюк давлатга айлантириш ҳар бир фуқаросининг, айниқса ёшларимизнинг ахлоқий онги, фаолияти ва тарбияси даражасига ҳамма омиллардан кўра кўпроқ боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ҳужжатларидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошка қонунларида Ўзбекистон Республикаси президенти фармонларида ва Вазирлар Махкамасининг қарорларида, Президентимиз И.А.Каримов асарлари, китоблари, рисолалари, нутклари, савол-жавобларидан ахлоқ-одоб масалалари ва муаммоларига мухим ахамият берилмокца. Юрт бошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 137 бет) асарида маънавий ахлоқий
**
омилларини Мустакил Узбекистоннинг келажакдаги тараққиётидаги ахамиятига тўхталиб, шундай деб ёзади: «Бирон •• бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустахкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта

олмайди». Шу боисдан ҳам юрт бошимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида: «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлокий жихатдан етук жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур», - деган муҳим вазифани қўйди. Бинобарин, ўзбек халқи, мамлакатимизнинг барча миллат ва элатлари орзу қилаётган буюк давлатни бунёд этиш барча фуқаролардан, энг аввало ёшлардан ирода имон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан қолган ахлоқий меросга содиқ бўлиш, хуллас юксак фазилат эгаси ва ахлоқий камолотга эришишни талаб қилади. Шунинг учун

й

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги конунида ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да ёш авлодни ва бўлажак мутахасисларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига катта ахамият берилган. Чунончи, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» нинг маънавий - ахлокий тарбия ва маърифий ишлар, деб аталган бандида: «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маъданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлри ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни хар томонлама камол топтиришни устиворлиги таъмирланади», (55 бет) дейилган. Бугунги кунда республикамиз мустақиллигининг 8 йилдан ошиқроқ истиқлол йўлидан боришда бир катор ютукдар ҳамда турли эски мафкуравий иллатлар диний экстремизм, диний фундаментализм., ваххобийлик, террорчилик каби иллатлар ва хавф-хатарларга қарши курашиб, кўп миллатли республикамиз халқларининг тинчлигини таъминлаш, маънавий-ахлоқий бирлигига эришмоқда.

## Адабиётлар.


1. И.А.Каримов Узбекистон миллий истиклол, сиёсат, мафкура . Т 1996 йил.
2. И.А. Каримов Баркамол авлод - Узбекистон тараккиётининг пойдевори. Т- Узбекистон 1997-й
3. И.А.Каримов «Донишманд халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман» «Фидокор» газетаси 2000 йил 8-июнь.
4. Узбекистон XXI асрга интилмокда. Т 2000 йил.
5. А. Иброхимов , Ж. Султонов , Н. Жураев. Ватан туйгуси. Т 1996 йил.
6. Инсон бахт учун тугилади. Т 1996 йил.
7. Узбек удумлари. Тошкент 1993 йил.
8. М.Хайруллаев «Бугок сиймолар,алломалар» (1-П-1П китоблар) Т 1997 йил.
9. М. Усмонов . Одобнома. Т 1991 йил.
10. Ахлокшунослик. Т 2004 йил.
11. Эркин ва фаравон хаётни юксак маънавиятсиз куриб булмайди. Т 2006 йил.

# Таянч тушунчалар.

Ахлокшунослик, Этика, Одоб, Хулк, Ахлок, Пандномa, Саломлашиш, хушмуомалалик, мурувват, рахм-шавқат, яхшилик, адолат, тинчлик, бурч, виждон, ор-номус, бахт-саодат, Ахлоқий мерос.

# Назорат учун саволлар

1. Этика, ахлок ,одоб тушунчаларининг мазмуни ва маъноси.
2. Ахлокий маданият тушунчаси.
3. Ахлокшуносликнинг асосий мақсади.
4. Ахлоқнинг миллий жихатлари.

### 2-мавзу: Ахлок назарияси.

***Режа:***

1. Ахлокни келиб чикиши унда ихтиёрий эркинлигининг ахамияти ва ахлок тузилмаси.
2. Ахлокшуносликнинг асосий тушунчалари.
3. Ахлокшунослик тамойиллари ва меъёрлари.
4. Ахлокий маданият ва касбий одоб.

Аввало, шуни айтиш керакки, инсоннинг пайдо бўлиши энг баҳсли муаммолардан бири ҳисобланади. Бу борада бир-бирига қарама-карши икки қараш мавжуд. Бири - диний, иккинчиси - даҳрийча қараш. Диний - эътиқодий нуқтаи назардан одамни Худо яратган. Дахрийча караш эса буни инкор этиб, одамни табиат яратган, у табиатни бир қисми, деган ғояни илгари суради. Улар орасида инглиз табиийётшуноси Чарлз Дарвин (1809-1882) фикрлари алоҳида эътиборга молик.

Дарвин табиий турларнинг танлов йўли билан келиб чиқиши ҳакидаги эволюцион таълимотни яратди. У одам билан одамсимон маймунларнинг қардошлигини исботлашга уринди, бирок у тўгридан-тўғри одам маймундан тарқалган жонзод, деган фикрни айтган эмас. Шунингдек, Дарвин дарҳий бўлмаган, ҳамма катори насронийлик қонун - қоидаларига амал килиб яшаган. Бунинг устига унинг ўзи Кембриж университети қошидаги Исо коллежини тугатган.

Дархийча қарашни Дарвин номи билан боғлаб иш кўриш яқин-яқингача «социалистик лагерь» ҳудудига кирган мамлакатларда расмий, давлат ёндашуви сифатида ҳукм суриб келди. Тоталитар тузумга асосланган бу давлатлар таназзулга учрагач, яна инсонни Худо яратган деган фикр уларда етакчилик мавқеини эгаллади.

Умуман олганда, инсоннинг интеллектуал тарихда, ҳатто нисбатан дахрийлик асри бўлмиш XX асрда ҳам, инсонни Худо яратган, деган фикр камида тўқсон фоизни ташкил этади. Биз ҳам анна шу кўпчилик тамонидамиз. Айни пайтда, камчилик билдирган ва билдираётган

аксилфикр ҳам яшаш хукуқига эга эканини тан оламиз. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг мана бу гаплари бизнинг фикрларимиз учун эътиборли хулоса бўла олади деб ўйлаймиз.

«Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, **дунёвийлик,** айрим ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло **дахрийлик** эмас. Биз бундай нотўгри ва ғаразли талқинларга мутлако қаршимиз».

Агар диккат қилсак, асримиз мутафаккирининг фикри Қурони карим «Бақара» сурасида марҳамат килинган куйидаги оятларга ҳамоҳангдир: «30. Эсланг (Эй Мухаммад), Парвардигоримиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи), қилмокчиман», деганида, улар айтдилар: У ерда бузгунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) киласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан сени улуғлаймиз ва сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». 31. Ва У зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга рўбарў қилиб, деди: «агар халифаликка биз ҳакдормиз деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!». 32. Улар айтдилар: Эй пок Парвардигор, биз факат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибисан. 33. (Аллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдир», деган. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?». 34. Эсланг (Эй Муҳаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб - кофирлардан бўлди.

Ваҳоланки, сажда бунгача фақат тангригагина бажо келтирилар эди. Демак, Худо бу билан барча мавжудодлардан олий, даража нуқтаи назардан ўзидан кейин турадиган буюк зотни яратганини эълон этди. Одам — Худонинг ердаги халифаси.

Одам ҳам Аллоҳга нисбатан халифадир; то у қиёматга кадар, яъни Тангри даргоҳига боргунгача набoтот ва ҳайвонот олами устидан ҳукмронлик қилиб туради.

Ҳукмронлик қилиш учун, табиийки, муайян даражада эркинликка, эркин ҳаракатни ихтиёр этиш ҳукуқига эга бўлиш, фалсафий ибора билан айтганда, ихтиёр эркинлиги зарур. Ана шу ихтиёр эркинлиги фақат инсонга берилган. Фаришталар бундай маънавий неъматдан махрум - улар фақат Аллоҳнинг буруғини бажарадилар. Лекин инсондаги ихтиёр қилиш эркинлиги хам чекланган - у Аллоҳ томонидан Куръони каримда умумий тарзда белгилаб берилган доирадагина мавжуд бўлиши керак. Шу боис мутлақ эркинлик инсонга эмас фақат Яратганга хос.

Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурат талаби билан нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир ё бир неча инсон ёки гуруҳнинг бетийиқ эркин ихтиёри нафақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки набoтот, хайвонат олами, бутун

Дуне учун фожеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинт асосой воситаси аҳлоқдир.
Шундай қилиб, аҳлок - олий мавжудотга ато этилган олий неъмат. Яъни ахдоқнинг келиб чиқиши илоҳий манбадандир.
Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қадамда ахдоқий танлов муаммосига дуч келади. Бу муаммо инсонда маъсулият ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни сезмаган киши хохлаган ишга кўл уруши мумкин - уни ўз қшшишининг оқибати қизиқтирмайди, у фақат манфаат устуворлигини тан олади, холос. Ундай одамни аҳлоқсиз деб атайдилар. Зеро инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади.
Даслабки ахлокий конун - қоидалар ана шу танловни рўёбга чиқаришга, яна ҳам аникрок айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қилади, илк ахдоқий қоида «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошкага раво кўрма» мазмунида дунёга келган. Унинг ҳозирги замондаги эквиваленти «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур», «Ўзингни эр билсанг, ўзгани Шер бил» каби маколларда акс этган. «Аҳлоқнинг олтин қоидаси» деб аталган ушбу қоида, бизнингча, энг қадимий аҳлоқий талаблардандир.
Даслабки аҳлокий қонун -- қоидалар мукаддас китобларда ўз аксини топган зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган.
Инсон ахлоқий ҳаётининг асоси бўлган ана шу қонун - қоидалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган йўқ. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дилдилидан бажарадиган замоннинг тезроқ келиши учун тинмай ҳаракат қилишлари аҳлоқий тараккиётдан далолатдир. Зеро, ана шу йўлда одам комил инсон бўлиб етишади.
Инсоният тарихида аҳлоқий тараққиёт булган ва у давом этиб келмоқда. Тўғри, бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан эса бироз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат қоим туриш хусусиятларига эга. Лекин катта даврлар ва тарихий ораликларни олиб қарайдиган бўлсак, аҳлокий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч хосил килиш қийин эмас. Мустабит тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган аҳлоқий таназзулларнинг ҳаммаси қисқа муддатли ҳамда ўткинчи ҳодисалардир. Зеро, инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараккий эттириб бориш билан белгиланади. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан ҳеч қачон четда турмайди.
Аҳлоқ тузулмасини, уч омил - асосдан иборат деб ҳисоблайдилар. Булар - ахлоқий онг, аҳлоқий ҳиссиёт ва аҳлокий хатти-харакатлар. Жуда кўп ҳолларда ахлоқ тузулмасидаги мазкур уч омил-унсурнинг бирортасисиз аҳлоқ тушунчасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, ахлоқни инсон кўзи олдида гавдалантирувчи ахлоқий муносабатларнинг хис этиш ва аҳлоқий онг иштирокисиз юзага чикиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундай холат ахлоқий ҳиссиётга ҳам, ахлоқий онгга хам тааллукли. Зеро, тузулмадаги бу уч унсур-омил бир-бирисиз камдан-кам мавжуд бўлади, доимо бир-бирини тақозо қилади.

Тузулмада пойдевор унсур сифатида аҳлокий ҳиссиёт ёки аҳлоқий ҳис этиш намоён бўлади. тўғри, жуда кўп холларда бирор-бир ахлоқий қарорнинг амалга ошуви узоқ ёки қисқа вақт мабойнида ўша карор оқибатлари тўғрисида онгли равишда хулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб етишга уриниш билан боглиқ бўлади, яъни биз ўз хатти-харакатларимизни ахлоқий англаш элагвдан ўтказиб, фаолият кўрсатамиз. Лекин ўша англаб амалга оширилган ахлокий қарор тубида, сўзсиз, аҳлоқий ҳиссиёт ётади. Демак, ахлокий ҳис этиш аҳлоқий англаш учун материал вазифасини ўтайди.

Бизнинг аҳлоқии хаётимиз, барча ахлокий тажрибаларимиз, аҳлоқий фаолиятимиз ана шу уч омил асосида рўёбга чиқади. Ахлокий, кодексларимиз, меъёрларимиз ва тамойилларимиз уларга асосланган. Лекин алдов, ёлғон, сохталик ва тоталитар зуғум хукумронлик килган даврларда ёки мамлакатларда ахдоқий ҳиссиёт, аҳлоқий онг, ахлоқий муносабатлар кабул этилган. кодекслар, меъёрлар ҳамда тамойилларга кўпинча тўғри келмайди. Расмий ахлоқий қонун-коидалар билан ҳақиқий аҳлокиЙ интилишлар орасида маънавий жарлик пайдо бўлади, тилда бу қонун-қоидалар кўкларга кўтарилган ҳолда, дилда, ич-ичдан уларга қаршилик хукм суради. Натижада жамият учун фожеа бўлган ахлоқий сўз билан аҳлоқий фаолиятнинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги руй беради.

Ахлоқий қадриятлар, муштарак аҳлоқий тушунчалар, аҳлоқий тамойил ва меъёрлар барча минтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, мухаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, бахт, тўғрилик, ростгўйлик, сахийлик ва бахиллик сингари фазилат хамда иллатлар том маънода умуминсоний ходисалардир. Зеро, ўзбекча эзгулик ёки ёвузлик, инглизча виждон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиш мумкинми? Албатта йўк. Рашидов ўз хапқига ва ватанига фидоий фарзанд эди, у ўз халқининг эртасини ва келажагини ҳаммадан кўпрок ўйларди. Энг оғир шароитда ҳам Шароф Рашидов халқига фарзандлик бурчини кўлдан келганча адо этди", деб таъкидлаган эди. Бугунгн кунда мустақил Ўзбекистон фуқароларининг бурчи чинакам ижтимоий жамият куриш ва баркамол инсонни тарбиялаш бўлмоғи лозим. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Президентимиз И.А. Каримов асарларида фукароларнинг ўз бурчларини бажаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамиз асосий комусининг 11 бобида барча фукароларнинг конституцияда белгилаб қуйилган бурчларини бажаришга қонунларга амал этишга, бошка кипшларнинг хуқуклари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат килишга Узбекистон халқининг тарихий маданий ва маънавий меросини авайлаб асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғинларни тўлашга мажбурдирлар ва Узбекистон Ресупбликасини ҳимоя килиш — Ўзбекистон Республикаси хар бир фукаросининг бурчидир деб таъкидланади.

Этиканинг гоят муҳим тушунчаси виждон ва виждонийликдир. Виждон ва виждонийлик деб инсоннинг ўз хулкини муайян жамият ахлок коидапари нуқтаи-назаридан туриб ахлоқий баҳолаши ва назорат килиши, ўз хатти-

ҳаракатларини ва бу хатти-ҳаракатларга боғлик бўлган ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ўзида тахлил этишга айтилади. Виждон ва виждонийлик инсоя учун ғоят зарурий, қимматли ахлоқий фазилатдир, унинг ўз мезони ва баҳоси бор. Виждон кувониш, енгил тортиш, изтиробдан кутулиш, хижолатдан фориг ва юзи ёруғ бўлиш каби ижобий ҳис-туйғулар, шунингдек салбий кечинмалар тавба, узр сўраш, изтироб чекиш, пушаймон ва хижолат бўлиш, уялиш каби салбий кечинма, ҳис-туйғуларда, хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Виждон инсон хатги-ҳаракатларининг энг хаққоний, жуда холис, ғоят поклик хакамидир. Шу боис юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек "...Виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди". Виждонсизлик эса бениҳоя шармандалик, ўта салбий, ғоят уятли иллатдир.

Этиканинг муҳим тушунчаларидан бири кадр-қиммат бўлиб, уни гоҳида иззат-нафс, ор-номус ҳам деб юритадилар. Қадр-ким^чат еки ор-номус деб инсоннинг жамиятдаги ўз қимматини, иззат-нафси, шаъни, шарафи, шон-шухратини англашни, аждодлар, оила ва миллат шаънига доғ тушурмасликни ва уларнинг жамият томонидан тан олиниши ҳамда эътироф этилишига айтилади. У шахсий, ижтимоий, миллий, касбкор шарафи, Йигитлик шаъни, қизлик номуси, иззат, ҳурмат, ишонч, рағбат, мақтов, такдарлов, нишонлаш, хотирлаш, номини абадийлаштириш ва ҳоказо каби ахлоқий фазилатларда намоён бўлади хамда бу тушунчаларда инсоннинг, халқнинг ҳаётида ҳамда фаолиятида мухдм аҳамият касб этади. Президентимиз И.А. Каримов сўзлари билан айтганда: "Ўз иззати ва қадрини билган халқгана бошқаларнинг ҳам иззат ва кадрини жойига қўйишга кодир бўлади". Бу сўзлар ҳар бир конкрет одам ва шахсга ҳамда раҳбарга хам таълуқлидир.

Этиканинг гоят мухим тушунчаларига ҳаётнинг маъноси ва мазмуни, бахт-саодатдир. Ҳаётнинг маъноси деб онгли инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади, унинг умри, ҳает фаолиятининг умумий йуналишини англатувчи жараёнларга айтилади. Ҳаётнинг маъноси инсоннинг ўз олдига кўйиган мақсади, ҳаётда кўзлаган манфаати ва белгилаган вазифаларида намоён бўлади. Инсон хаётининг маъноси — бу унинг ҳаётининг бутун бош йулидирки, кишининг конкрет мақсадлари ана шунга боғлж бўлади, Инсон фақат еб-ичиш, зурриёт колдириш тирик эмас, меҳнат қилиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кишилар билан ижтимоий муносабатда бўлиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб-унади, талант ва истеъдодларини намоён қилади. Рус шоири А. Блок: "Инсон ҳаётининг маъноси тиниб-тинчимаслик ва доимий ташвишдан иборатлигини тугпунган одам калта фаҳмликдан кутулган бўлади", — деган эди. Демак, инсон ҳаётининг маъноси дунёга келиб, униб-ўсиб, оила кўриб, фарзандларни тарбиялаб, ўзи, оиласи, Ватани, миллати, жамияти учун ижодий меҳнат қилиб, ўз умрини фаровон, гўзал, кизикарли, мақсадга мувофик килиб ўтказишдан иборат. Бинобарин, ҳаётнинг маъноси ейиш, ичиш, кийиниш, лаззатланишдан иборат бўлмай, балки буларга эришишлик учун яшаш, меҳнат килиш, ижод килишдан иборат. Ҳаётнинг мазмуни инсон ҳаётининг кандай кечганлигини ифодалайди. Инсон ҳаётининг мазмуни деганда

инсоннинг жамият ҳаётидаги ўз ўрни ва аҳамиятини белгиловчи бутун фаолияти (аввалги, ҳозирги ва келажакдаги) асосий мазмун англаш даражаси ҳамда унинг намоён бўлиш даражаси тушунилади. Хуллас, ўз ҳаётини, унинг маъноси ва мазмуни максади, гўзал ва бахтли қилишга эришмоға лозим. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: "Ҳар бир одам "Мен кимман ўзи. Бу дунёга нимага келдим? Дунёга келиб нима иш қилдим?", - - деб ўзидан сўрайди.

Шу саволларга бемалол жавоб бермоқ учун у умри давомида савоб ишларни кўпроқ, килмоққз шошилмоғи керак". Инсон ҳаётининг олий мақсади бахт-саодатга эришишдир. Хўш, бахт нима? Оддий сўз билан айтганда бахт бу инсоннинг орзу-истаклари, мақсадларига етишиб яшашидир. Ёки бошқача килиб айтганда, бахт, бахтлилик ҳар бир кишининг модций ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилганлиги, ўз мақсадлари, орзу-истакларининг рўёбга чиққанлиги, ҳаётдан, ўз хатти-ҳаракатларидан маънавий қониқиш оқибатида ҳосил бўладиган олий неъматдир. Бахт тушунчаси хилма-хилдир. Ватан бахти, шахс бахти, меҳнат бахти, ёр бахти, оила бахти, фарзанд бахти, қарилик бахти ва бошқалар. Лекин буларнинг ҳаммаси, инсон бахти, унинг фаровон, тўқ, соғлом оила ва фарзандли булиб, узок умр кўриши кабиларда кўринади. Қадимда бир донишманддан "Одамни нима бахтли қилади, бойликми ёки шон-шуҳратми?" — деб сўрабдилар. "Бойлик ҳам, шон-шуҳрат ҳам одамни бахтли қила олмайди. Тан-жони соғ гадо ҳар қандай бой одамдан бахтлироқдир" — деб жавоб берибди донишманд. Инсоннинг бахтли бўлишида сихат-саломатлик билан бирга ёшликцан яхши, аъло ўқиш, касб-хунар эгаллаш, ижтимоий фойдали меҳнат қилиш, оилали, уйли-жойли, фарзандли булишга, жамоа ва жамиятда обрўга эга бўлиш ва ҳоказо шартларнинг аҳамияти катта. Жумладан, Презпдентимиз И.А. Каримов айтганидек: "Фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтдир". Айни пайтда ҳамма нарсаси бўла туриб, обрўси бўлмаган инсон дунёда энг бахтсиздир. Демак, бахт деб инсон эга бўлиши лозим бўлган соғлом, ўз ҳаётининг беками-кўстлиги, маънавияти, ахлоқли, обрў-эътиборли, барқарор, хушчакчақ, боқий умр кечиришига айтилади. Инсонга бахт ўз-ўзидан келмайди. ўойибдан келадиган бахт йўқ. Бахтни совға қилиб бўлмайди. Ҳар бир инсон ўз бахтини халол меҳнати, тинч-тотув яшаши, касбкор, илм-фан, техника ютуқларини эгаллаши билан топади. Демак, бахт-инсонлар орасидан муносиб ўрин топиш, ўзининг халол меҳнати, ўзгаларнинг юкини енгил қилиш, она халки орасида номи ардоқ билан тилга олиниши, эл фаровонлиги учун қўшган ҳиссаси, келажак авлодларга колдира олган тухфасидир. Бахт ҳар бир кишининг бахтлилиги давлати, мамлакати, жамиятининг тараккиёти даражаси, мустақил ёки карамлиги, тинч ёки нотинчлиги, ижтимоий тузумнинг хусусияти, табиий офатлардан ҳоли ёки ҳоли эмаслиги, экологик вазияти ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан, бир неча ўн йиллардан бери боши уруш-жанжал, можаролардан чиқмаётган

Афғонистон, Тожикистон, Чечинистон фукароларининг ҳаётини бахтли деб бўлмайди. Бахт бу, фақат ўз бахти учун, балки ўзгапарни бахтли килиш ва уларнинг бахтли бўлиши учун курашиш демакдир. "Ўз бахтингни

